



## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҒАЗНА ИЖРОСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Атажанов Муродбек Бекбергенович**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0009-3650-3279

[murod2025tdiu@gmail.com](mailto:murod2025tdiu@gmail.com)

**Аннотация.** Давлат бошқарувини рақамлаштириш иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва давлат органлари, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни яхшилашнинг муҳим воситасига айланмоқда. Рақамли технологияларнинг ўсиши шароитида рақамлаштириш давлат хизматларини кўрсатиш жараёнларини оптималлаштириш, бизнесга маъмурий харажатларни камайтириш ва давлат молиявий назорати самарадорлигини ошириш имконини беради.

**Калит сўзлар:** рақамлаштириш, давлат бошқаруви, рақамли технологиялар, давлат хизматлари, ғазначилик хизмати.

## НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ КАЗНАЧЕЙСКОГО ИСПОЛНЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО БЮДЖЕТА В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

**Атажанов Муродбек Бекбергенович**

Ташкентский государственный экономический университет

**Аннотация.** Цифровизация государственного управления становится важным инструментом для ускоренного развития экономики и улучшения взаимодействия между государственными органами, гражданами и бизнесом. В условиях роста цифровых технологий цифровизация позволяет оптимизировать процессы предоставления государственных услуг, снизить административную нагрузку на бизнес и повысить эффективность государственного финансового контроля.

**Ключевые слова:** цифровизация, государственное управление, цифровые технологии, государственные услуги, казначейства.

## DIRECTIONS FOR IMPROVING TREASURY EXECUTION OF THE STATE BUDGET IN THE CONTEXT OF THE DIGITAL ECONOMY

**Atajanov Murodbek Bekberganovich**

Tashkent State University of Economics

**Abstract.** Digitalization of public administration is becoming an important tool for accelerated economic development and improving interaction between government agencies, citizens and businesses. In the context of the growth of digital technologies, digitalization allows optimizing the processes of providing public services, reducing the administrative burden on businesses and increasing the efficiency of state financial control.

**Keywords:** digitalization, public administration, digital technologies, public services, treasuries.

### Кириш.

Ғазна давлат молиявий тузилмасининг асосий элементи сифатида иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашда марказий ўрин тутати. Глобаллашув ва молия тизимларининг жадал ўзгаришлари шароитида ғазначилик нафақат давлат ресурсларининг сақловчиси, балки бюджет жараёнларини бошқариш, кредит сиёсати ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг фаол иштирокчисига айланиб боради.

Замонавий ғазначилик тизими давлат бошқарувининг мураккаб тизимида фаолият юритади, унинг функциялари молиявий ресурсларни режалаштириш, назорат қилиш ва тақсимлашни ўз ичига олади. Ғазначилик тизимининг самарали фаолият кўрсатиши нафақат давлатнинг ижтимоий мажбуриятлари бажарилишини таъминлайди, балки иқтисодиётнинг реал секторига сармоя киритилишини рағбатлантиради, бу эса ўз навбатида аҳоли фаровонлиги ошишига хизмат қилади.

Иқтисодий трансформациялар жараёнларининг ўзгариши ғазна тизимидан замонавий технологиялар ва бошқарув усулларини қўллашни талаб қилади, бу эса молиявий операцияларнинг шаффофлигини ва давлат институтларига бўлган ишончни оширади. Шу муносабат билан ғазначилик тизими ролини ўрганиш долзарбдир, сабаби у нафақат давлатнинг молиявий ҳолатини акс эттиради, балки иқтисодий ва стратегик режалаштиришга ҳам таъсир қилади.

### Адабиётлар шарҳи.

Методологик нуқтайи назардан ғазначилик тизими кўплаб таркибий элементларни ўз ичига олган мураккаб иқтисодий тизим сифатида намоён бўлади. Шунингдек унинг моҳиятини ўрганиш унинг институционал асосларини талқин этиш муҳим аҳамият касб этади. Қўйида биз айрим тадқиқотчи олимларнинг фикрларини келтириб ўтамыз.

Қадим замонлардан буён давлат бюджетини ижро этиш функцияси энг муҳим бошқарув стратегияси ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига кучли таъсир кўрсатиш дастаги бўлиб келган (Абазова ва бошқ., 2015).

Романова ва бошқалар (2018) ўзларининг тадқиқотларида қўйидагиларни таъкидлайдилар, яъни ҳозирги шароитда Федерал Ғазначилик ишининг сифати ва тўғрилиги бутун мамлакатнинг барқарор ривожланиши учун зарур шартга айланмоқда.

Глушакова (2017) ҳар қандай мамлакатнинг макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик даражаси давлат молиявий оқимларини бошқаришнинг устувор йўналишларини танлаш контекстида унинг ғазначилик тизимини лойиҳалашни белгилайди.

Тадқиқотчи Ҳамдамов (2024) ўз тадқиқотларида қўйидагиларни таъкидлайди, жумладан, Ўзбекистон Республикасида давлат молиясини бошқариш тизимида олиб борилаётган ислохотлар, қатор вазибалар билан биргаликда, давлат бюджетининг ғазна ижросига бошқичма-бошқич ўтишни ва унинг фаолият механизмларини такомиллаштиришни назарда тутати. Бунда замонавий ахборот технологиялари ёрдамида давлат маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни жамлаш, қайта ишлаш, узатиш усулларини ўзлаштириш асосида давлат молиясини бошқаришнинг самарали усул ва воситаларини шакллантириш ва мувофиқ ҳолда ишлашини таъминлаш зарур бўлади.

Стецюнич (2017) фикрига кўра, барча даражадаги бюджет маблағларини самарали бошқариш, даромадлар ҳисобини шакллантириш ва харажатларни марказлаштирилган тақсимлаш, бюджет ижроси тўғрисида тезкор маълумот олиш фақат битта федерал назорат органининг ваколатлари доирасида барча молиявий ресурсларни бирлаштириш орқали амалга оширилиши мумкин.

Федерал Ғазначиликни янги инновацион ёндашувлар нуқтаи назаридан ўзгартиришнинг жиҳатлари қўйидагилардан иборатдир, хусусан:

- бўлимнинг ички ташкилий тузилмаси ва бошқарувидаги ўзгаришлар;
- Федерал Ғазначиликнинг функционал фаолиятининг янги соҳаларига нисбатан инновацион ёндашувларни жорий этиш;
- фаолиятнинг анъанавий функционал йўналишларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга янги ёндашувларни излаш. (Потапов ва бошқ., 2014).

Шунингдек тадқиқотчи Абдурахмонов (2020-2024) йилларда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши натижасида юзага келаётган иқтисодий, молиявий ва ижтимоий рискларнинг таснифи, ҳамда улардан самарали ҳимоя механизмлари тадқиқ этган.

### **Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқот жараёнида маҳаллий ва хорижий иқтисодчи олимларнинг ғазначилик тизимига берилган молиявий-иқтисодий, ижтимоий тарифлар, мавзуга боғлиқ бўлган кўплаб назарий адабиётлар, эмпирик тадқиқотларга таянган ҳолда мантиқий фикрлаш, илмий мушоҳада, тизимли ёндашув усулларида кенг фойдаланилди.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Давлат сиёсатининг рақамли иқтисодиётларнинг ўсиш суръатларини жадаллаштириш ва иқтисодиётнинг турли тармоқларига рақамли технологияларни жорий этишга йўналтирилганлиги шароитида бундай технологияларни давлат бошқаруви соҳасига жорий этиш масаласи ҳам долзарб бўлиб бормоқда.

Давлат бошқарувини рақамлаштириш мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутди, сабаби у давлат хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш орқали давлат ва фуқаролар, шунингдек, маъмурий харажатларини камайтириш орқали тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро ҳамкорлигини оптималлаштириш ва самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Рақамлаштириш ахборот билан ишлаш шаклларида бири бўлиб, унинг ўзига хос хусусияти инновацион фаолиятда турли технологиялардан фойдаланишни акс эттиради.

Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида давлат бошқаруви элементларидан бири сифатида давлат молиявий назоратининг аҳамияти сезиларли даражада ошиб боради. Рақамли технологиялар давлат органлари томонидан назорат функцияларини амалга оширишда назоратчилар ва текширилаётган субъектлар ўртасидаги шахсий ўзаро муносабатларга бўлган эҳтиёжни сезиларли даражада камайтириш имконини беради, бу эса назорат жараёнларини соддалаштиради, уларнинг самарадорлигини оширади ва юзага келаётган муаммоларга ўз вақтида жавоб беришни тезлаштиради.

Рақамлаштириш жараёнлари ташқи ва ички давлат молиявий назоратининг ривожланиш тенденцияларини белгилайди. Ғазначилик тизими назорат органи сифатида молия ва бюджет соҳасида назорат функцияларини бажаради, шунингдек бюджет маблағларидан фойдаланган ҳолда давлат молиявий назорати объектлари фаолиятини назорат қилади.

Узоқ вақт давомида марказлашган давлат маблағларини бошқаришда асосий ролни ғазначилик органлари эгаллаб келган. Ҳар бир давлат ўзига хос миллий ўзига хосликларнинг ривожланиши ва шаклланишини белгиловчи омилларга кўра бир қатор ўзига хос белгилар билан фарқланадиган ғазначилик моделларини ишлаб чиқади. Қўйида ривожланган мамлакатларда тизимнинг ўзгариш трансформациясини, ғазначилик органлари тузилмасининг шаклланиши ва ривожланишига таъсир этувчи муҳим йўналишлари ҳамда омилларини қўриб чиқамиз.

*Биринчи йўналиш, ғазначилик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратувчи қонунчилик базаси.*

Хусусий сектордан фарқли ўлароқ, давлат секторида содир бўладиган барча операциялар ва жараёнлар тегишли қоидалар билан тартибга солиниши керак. Таҳлил қилиш учун биз уларни тўртта шартли гуруҳга ажратамиз:

1) давлат ва бюджет тузилмасини, бюджет (бюджетлараро) муносабатларини тартибга солувчи ва ғазначилик органларининг фаолият доираси, роли, ваколатлари ва вазифаларини белгиловчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан: конституция, кодекслар, низомлар, бюджет қонунчилиги, давлат секторини бошқаришнинг идоравий тузилмаларининг тартиблари. Ушбу ҳужжатлар асосида давлатнинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши, бюджет тизимининг кўлами ва тузилиши, бюджетдан ташқари жамғармалар сони, бюджетлараро муносабатларни ташкил этиш, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ҳокимият органларининг тузилмаси белгиланади.

2) ғазначилик органларининг ташкил этилиши, тузилиши ва фаолиятини белгиловчи норматив ҳужжатлар: қонунлар, вазирликнинг ваколатларини ва бюджет жараёнининг бошқа иштирокчиларини батафсил баён этувчи, алоҳида молиявий функциялар, молиявий операциялар, шунингдек, молия органлари ва ғазначиликнинг ички идоравий буйруқлари, ташкилотлар тартиби ва молиявий жараёнларни тартибга солувчи ҳужжатлардир.

3) давлат юридик шахсларининг бюджет (бюджетдан ташқари) маблағлари ҳажми, бюджет жараёни иштирокчилари, бюджет таснифи кодлари, бюджет (бюджетдан ташқари) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиб-қоидаларининг хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган муайян давр учун қонун ҳужжатлари билан тасдиқланган молиявий режалари, мониторинг, шунингдек, уларнинг ўзгаришлари ҳақида маълумотлар.

3) Қонуний тасдиқланган молиявий режалари, аниқ давр учун давлат-хусусий ташкилотларнинг бюджет (бюджетдан ташқари) маблағлари ҳажмлари, бюджет жараёнининг иштирокчилари, бюджет классификацияси кодлари, аниқ даврда бюджет (бюджетдан ташқари) фондларини шакллантириш ва фойдаланиш жараёнларининг хусусиятлари, мониторинг ўтказилиши, шунингдек, уларнинг ўзгаришлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

4) Миллий бюджет ҳисоби (ички ҳисоб) ва бюджет классификацияси стандартлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, молиявий ҳужжатлар ва ҳисоботларда кўрсатиладиган кодификация ва ҳисоблар тизимини ташкил этади.

*Иккинчи йўналиш, давлат молиявий назоратини ташкил этиш ва усуллар ҳамда механизмларини танлаш.*

Иккинчи омил сифатида давлатнинг ғазначилик тузилишининг ўзига хослигини белгиловчи омил бу давлат молиявий назоратини ташкил этиш ва усуллар ҳамда механизмларни танлашдир. Бу назоратни ғазначилик органлари қуйидаги йўналишларда амалга оширадилар:

- Қабул қилинган бюджет мажбуриятлари ҳажми ва мақсадларига мослигини назорат қилиш;
- бюджетга тўловларнинг ўз вақтида ва тўғри ҳисобланишини назорат қилиш;
- бирлашган ғазначилик ҳисобида бўш қолдиқларнинг қонунийлиги ва самарадорлиги устидан назорат қилиш;
- давлат ҳокимияти органлари томонидан тақдим этилган ҳисоботларнинг ишончилигини назорат қилиш;
- нодавлат молия институтларининг фаолиятини назорат қилиш.

Назорат функцияларининг усуллари бошқарув амалиётига, қонуний равишда тасдиқланган жараёнларга, аниқланган камчиликларга, давлат хизматчиларининг профессионал кўникмаларига, ўтган молиявий йилларда бюджетларнинг ижросига ва қабул қилинган қарорларнинг самарадорлигига боғлиқ бўлади.

*Учинчи йўналиш, ягона ғазначилик ҳисобини ташкил этиш модели.*

Халқаро Валюта Жамғармасининг методологиясига мувофиқ, ягона ғазначилик ҳисоби давлат банклари (ғазначилик) ҳисобларининг бирлаштирилган тузилмаси бўлиб, давлат фондларини бошқариш жараёнларини консолидация қилиш ва оптималлаштириш мақсадида яратилган. Ягона ғазначилик ҳисоби фондларни марказлашган ҳолда бошқариш ғоясини техник жиҳатдан амалга оширишга имкон беради. Ягона ғазначилик ҳисобини яратиш учун мос қонунчиликни ишлаб чиқиш, молиявий механизмларни жорий этиш, унинг фаолиятини назорат қилишни амалга ошириш ва ягона ғазначилик ҳисобини бошқариш жараёнларини янада такомиллаштириш талаб этилади, шу орқали мамлакатга хос хусусиятлар шаклланади.

Юқорида келтирилган методологияга мувофиқ, ягона ғазначилик ҳисоби фаолиятини белгиловчи тўртта омилга ажратилади:

1) Ягона ғазначилик ҳисобининг қамрови: давлат корхоналари ва муассасалари, бюджетдан ташқари фондлар ва махсус ҳисоблар. Бу ерда, ягона ғазначилик ҳисобининг қамрови қанча кенгроқ бўлса, фондларни марказлашган ҳолда бошқаришдан олинадиган самарадорлик шунчалик юқори бўлади.

2) Ҳисоб-китобларни ташкил этиш: асосий орган вазифаларини марказий банк ёки ғазначилик бошқармасига, тегишли вазирликка (марказлаштирилган модель) ёки мустақил молия институтларига, тижорат банкларига (марказлаштирилмаган модель) юклаш.

3) Молиявий операцияларни ўтказиш ва уларга боғлиқ пул оқимларини бошқариш механизмларини белгилаш. Айрим давлатларда бюджет харажатлари бўйича молиявий операциялар асосий молия органи (масалан, молия вазирлиги) томонидан тасдиқланади. Шунингдек, гибрид модель мавжуд давлатлар ҳам бор: асосий даромад ва тўловлар ягона ғазначилик ҳисоб рақами орқали амалга оширилади, кичик операциялар эса тижорат банклари орқали ўтказилади, лекин операцион кун охирида ҳисоб рақамларининг қолдиқлари ягона ғазначилик ҳисоб рақамига жамланади, бу эса тижорат банкларининг баланс қолдиқларини бошқариш имкониятларини чеклайди.

4) Банк хизматларини тақдим этиш: молиявий тўловлар ва бюджет ҳисоб рақамлари бўйича тўловларни марказий банк ёки тижорат банклари орқали амалга ошириш. Шундай қилиб, ривожланган банк институтларига эга бир қатор давлатларда ҳисоб марказий банк томонидан хизмат кўрсатилиши мумкин, маълум операциялар доирасида эса тижорат молия институтлари жалб қилинади. Ушбу ёндашув ягона ғазначилик ҳисоб рақамини ликвидликни бошқаришга ҳам тааллуқлидир.

*Тўртинчи йўналиш, жараёнларнинг автоматлаштирилиши, фойдаланиладиган ахборот технологиялари турлари, функционал дастурий маҳсулотларнинг технологик даражаси.*

Ғазначилик тузилишини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларига қуйидаги механизмлар орқали жараёнларнинг автоматлаштириш даражаси, фойдаланиладиган ахборот технологиялари турлари ва функционал дастурий маҳсулотларнинг технологик даражаси таъсир қилади:

- Бюджет тўловларини амалга ошириш бўйича хизматлар;
- Маълумотларни сақлаш, таҳлил қилиш ва янгилаш базалари (катологлар, справочниклар, очиқ ва ёпиқ реэстрлар ва мос дастурий иловалар);
- Электрон тўлов воситалари (ва мос дастурий иловалар), масалан, кредит ва дебит карталари, бошқа электрон тўлов воситалари;
- Қоғоз шакллари электрон қайта ишлаш дастурлари;
- Таҳлилий дастурлар (масалан, узоқ муддатли маблағлар ҳаракати прогнози ва ягона ғазначилик ҳисобида қолдиқларни мақсадга йўналтириш дастури).

*Бешинчи йўналиш, миллий молиявий ва банк ташкилотларининг ривожланиш, ишончлилик ва барқарорлик даражаси.*

Ғазначилик органлари тузилишини ташкил этиш миллий молия ва банк тузилмаларининг ривожланиш, ишончлилик ва барқарорлик даражасига боғлиқ бўлиб, бу тўғридан-тўғри қўлланиладиган механизмлар ва воситаларга таъсир қилади, масалан, кассани режалаштириш, ягона ғазначилик ҳисобида бўш қолдиқларни бошқариш. Шундай қилиб, қисқа муддатли қимматли қоғозлар ягона ғазначилик ҳисобида бўш қолдиқларни бошқаришдан келадиган даромад даражасига таъсир қилади, бу эса ягона ғазначилик ҳисобининг зарур ликвидлик даражасини сақлаб туриш учун зарурдир.

*Олтинчи йўналиш, давлат молиясини бошқариш самарадорлиги.*

Ғазначилик органлари тузилишини ривожлантириш давлат молиясини бошқариш самарадорлигидан келиб чиқади, бу эса қуйидагиларни англатади:

– молиявий ижро интизоми даражаси ва солиқ маъмуриятчилиги ва бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар сони;

– бюджетни режалаштириш ва прогнозлаш самарадорлиги (бош бошқарувчилар ва бош менежерлар томонидан тақдим этилган даромадлар прогноз сметаларининг ва режалаштирилган тўлов кўрсаткичларининг тўғрилиги ва долзарблиги);

– ходимларнинг ишлаш интизоми, давлат молиясини бошқариш соҳасидаги малака даражаси, шу жумладан, қонун ҳужжатларидаги ўзгаришларга қизиқиш ва эътибор, тезкор бошқарув, ҳужжат айланиши ва маълумотлар базаларини шакллантиришда маълумотларни аниқ ва тўғри киритиш кўникмалари, хато ёзувларни тезда аниқлаш ва баргараф этиш қобилияти, шунингдек, тез ўқитиш ва малака ошириш қобилияти.

*Еттинчи йўналиш, давлатнинг ижтимоий-маданий ривожланиши.*

Ғазначилик органлари тузилишини шакллантириш ва ривожлантиришга таъсир қилувчи омиллардан бири бу давлатнинг ижтимоий-маданий ривожланиш даражаси бўлиб, бу омил ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларини қамраб олади ва бюджетни ижро этиш фаолиятининг барча жиҳатларига таъсир кўрсатади. Бу жараёнлар ҳақиқий даромад қисмига (солиқ даромадларини йиғиш даражаси, бюджетга тўловларнинг тўғрилиги ва қонунийлиги) асосланган ҳолда бошланади ва бюджет ресурсларидан фойдаланиш натижасида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг ўртача ва якуний натижаларига эришиш даражаси билан якунланади.

*Саккизинчи йўналиш, ғазначилик органлари олдидан турган стратегик мақсадлар ва вазифалар.*

Ғазначилик тузилишининг ривожланиш даражаси ва такомиллашуви, ғазначилик органлари олдидан турган стратегик мақсадлар ва вазифалардан, шунингдек, уларнинг амалга оширилишини баҳолаш тизимидан бевосита боғлиқдир.

Сўнгги йигирма йил ичида давлат бошқаруви секторида натижага йўналтирилган ёндашув (перформанс манагемент) қўлланилиб келинмоқда, бу эса ғазначилик органларининг ҳар йили самарадорлик ва натижадорлик баҳосига олиниши демакдир. Бу жараёнда ғазначилик органларининг ваколатлари фақатгина операцион назорат функцияси билан чекланмаслиги мумкин. Масалан, АҚШда Молиявий-бюджет бошқармаси хусусий ташкилотлар ва шахслар учун молия бошқаруви ва бюджет билан ҳисоб-китоблар соҳасида маслаҳат хизматларини тақдим этади; Канадада эса “Ғазначилик кенгаши” давлат бошқаруви секторида кадрлар бўйича қарорлар қабул қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб замонавий ғазначилик тизими ривожланишининг асосий йўналишларини бир неча жиҳатларга ажратиш мумкин. Улар технологияларнинг ривожланиши, молиявий назоратни яхшилаш ва давлат бошқарувини самарали ташкил этиш билан боғлиқдир. Қуйида асосий тенденцияларни ажратиш кўрсатиш мумкин, жумладан:

1. Рақамлаштириш ва жараёнларни автоматлаштириш. Сўнгги йилларда ғазначилик бошқаруви жараёнларига ахборот технологияларини фаол жорий этиш кузатилмоқда. Бу қуйидагиларни ўз ичига олади:

– Электрон хазина: давлат молиявий оқимларини бошқариш учун рақамли платформаларга ўтиш.

– Блокчейн технологияларини қўллаш: молиявий операцияларни шаффоф ва хавфсиз қилиш.

– Бюджет жараёнларини автоматлаштириш, шу жумладан бюджетни тайёрлаш, бажариш ва мониторинг қилиш.

2. Молиявий тизимларни интеграция қилиш. Замонавий ғазначилик тизими турли молиявий тизимлар ва платформаларни интеграция қилишга интилоқда, бу эса давлат органлари ўртасида ҳамкорликни яхшилашга ёрдам беради ва харажатлар ва даромадларни назорат қилишни осонлаштиради.

3. Ғазна ҳисобини марказлаштириш. Давлат молиявий бошқарувининг самарадорлигини ошириш учун бир қатор мамлакатларда ғазначилик тизими ҳисобини марказлаштириш амалга оширилмоқда. Бу давлат бошқарувидаги барча даражаларда молиявий ресурсларни самарали тақсимлаш ва уларни бошқариш имконини беради.

4. Шаффофлик ва ҳисобот бериш. Давлат молиявий бошқарувида шаффофликни ошириш муҳим тенденция сифатида юзага келмоқда. Бу халқаро стандартларга, шунингдек, давлат органларидан жамиятнинг ҳисобдорлиги ва очиқлигини талаб қилувчи кутишларга боғлиқ. Молиявий маълумотлар ва ҳисоботларни эълон қилиш учун платформалар яратиш ва уларни кенг жамоатчиликка тақдим этиш.

5. Ички аудит ва назорат соҳасидаги инновациялар. Технологиялар ривожланиши ички назорат ва аудит соҳасига ҳам таъсир кўрсатмоқда, бу эса молиявий оқимларни самарали кузатиш, реал вақт режимида текширувлар ўтказиш ва молиявий суистеъмолликларнинг олдини олиш имкониятини беради.

6. Қарздорлик ва инвестицияларни бошқариш. Давлат қарзи ва активларини бошқариш янада мураккаб ва узоқ муддатли стратегияга йўналтирилган. Ғазначилик тизими қарзни бошқариш бўйича илғор ёндашувларни жорий этмоқда, шу жумладан деривативлар, молиявий воситалар ва рискларни прогнозлаш моделлари.

7. Натижаларга асосланган бошқарувга ўтиш. Муҳим тенденция сифатида натижаларга асосланган бошқарувга ўтиш кузатилмоқда, бунда молиявий маблағлар нафақат операцияларни бажариш, балки маълум самарадорлик кўрсаткичларига эришиш учун сарфланади. Бу индикаторлар ва натижавийлик кўрсаткичларидан фойдаланишни ўз ичига олади.

Ушбу тенденциялар ғазначиликнинг инновациялар ва халқаро стандартларга эътибор қаратган ҳолда давлат молиясини самарали ва шаффоф бошқаришдаги ролини ошириш истагидан далолат беради.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашимиз мумкинки, замонавий ғазначилик бошқаруви тизими, ахборот технологияларининг ривожланиши ва рақамлаштириш жараёнларининг жорий этилиши билан сезиларли ўзгаришларга дуч келмоқда. Электрон ғазначилик ва рақамли платформалар ёрдамида давлат молиялари бошқаруви янада самарали, шаффоф ва назорат қилинадиган бўлмоқда. Марказлаштирилган бошқарув, тизимларни интеграция қилиш, шаффофлик ва ҳисобот бериш каби тенденциялар давлат молия тизимининг самарадорлигини оширишга ва халқаро талаблар ва стандартларга жавоб беришга ёрдам беради.

Шу билан бирга, инновацион технологиялардан фойдаланиш, масъулиятни ошириш ва рискларни прогнозлаш имкониятлари давлат бошқарувидаги янги имкониятларни очмоқда. Бироқ, бу ўзгаришлар билан бирга, марказлашган бошқарув

тизимларининг анъанавий кучли тамойилларини сақлаб қолиш, ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлашда давом этиш ҳам зарур.

Хулоса қилиб айтганда, ғазначилик бошқарувидаги замонавий тенденциялар давлат молиялари тизимини янада оптималлаштириш, давлат ва жамият ўртасидаги ишончни мустақкамлашга ёрдам беради, шу билан бирга, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожланиш учун барқарор асос яратади.

### **Адабиётлар / Литература / References:**

Abduraxmonov, I. (2022). Sug'urta sohalarining shakllanish tendensiyalari. *MOLIYA VA BANK ISHI*, 8(3), 60-67.

Абазова М.В., Бечелов З.Ш., Шоранов А.О. (2015). Из истории казначейства Российской Федерации. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ «СИМВОЛ НАУКИ»* №12/– С 52-53.

Абдурахмонов И.Х. (2022) Суғурта соҳасида рақамли технологияларни қўллаш истиқболари. "Moliya va bank ishi" илмий журнал. №1, 95-99 б.

Абдурахмонов И.Х. (2022) Суғурта соҳасида янги рақобат кўринишлари: назарий асос ва иқтисодий таҳлил. "Moliya va bank ishi" илмий журнал. №2, 145-150 б.

Абдурахмонов, И. (2020). Суғурта бозорини тартибга солиш ва пруденциал назоратнинг самарали механизмларини жорий этиш, "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали, 2.

Абдурахмонов, И. (2022). Суғурта соҳасида рақамли технологияларни қўллаш истиқболари. *MOLIYA VA BANK ISHI*, 8(1), 95-99. Retrieved from <https://journal.bfa.uz/index.php/bfaj/article/view/82>.

Абдурахмонов, И. (2024). РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ БИЗ БИЛМАГАН РИСКЛАРИ. *Iqtisodiy Taraqqiyot Va Tahlil*, 2(7), 230-239. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2024-vol2-iss7-pp230-239>.

Абдурахмонов, И. (2024). Суғурта бозори: замонавий ҳолат ва ривожланиш тенденциялари. *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*, 2(4), 309-319.

Абдурахмонов, И. (2024). Суғурта соҳасини ривожлантириш истиқболлари. *Nashrlar*, 2(D), 12-15. <https://doi.org/10.60078/2024-vol2-issD-pp12-15>.

Абдурахмонов, И. Х. (2018). Суғурта назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. Т.: "Иқтисод-Молия" нашриёти, 23-24.

Абдурахмонов, И. Х. (2023). Ўзбекистон Республикасида суғурта тармоқларини ривожлантиришнинг концептуал асослари. Автореферат дисс... и. ф. д, 78.

Абдурахмонов, И.Х. (2024). Суғурта соҳасининг самарадорлигини баҳолаш. *TADQIQOTLAR. UZ*, 37(6), 161-167.

Глушакова О.В. (2017). Формирование нового дизайна казначейской системы России в контексте повышения эффективности управления бюджетной ликвидностью // *Финансы и кредит*. – Т. 23, № 46. – С. 2777 – 2796.

Потапов С.В., Вельмакина Е.В. (2014). Федеральное казначейство как участник платежной системы Банка России («казначейство – банк»). "Экономика и социум" №2(11)– С 1133-1137.

Романова Т.Ф., Богославцева Л.В., Терентьева В.В. (2018). Направления дальнейшего развития казначейских технологий в современных условиях. *Финансовые исследования* № 2 (59)– С 27-35.

Стецюнич Ю. Н. (2017). Роль казначейства в бюджетной системе региона. *ЭКОНОМИКА НОВОГО МИРА: науч. журн.* №1 (Вып. 5). С. 84.

Ҳамдамов О.А. (2024). Ўзбекистон Республикасида давлат бюджетининг ғазна ижросига ўтишининг зарурлиги ва аҳамияти. "Экономика и социум" №1(116) 154-156 бет.